Куч — адолатда

2015 йил
1 август,
шанба
№ 30 (543)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси | http://www.oliysud.uz | 1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

«Бетакроримсан, ягонасан, она Ватаним — Ўзбекистоним!»

"Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур, қудратли юртнинг фарзандлари соғлом бўлур". Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан илгари сурилган ушбу эзгу ғоя жамиятимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг асосий йўналишини белгилаш, долзарб тиббий-ижтимоий масалаларни ҳаётга татбиқ этиш, соғлом ва баркамол авлодни вояга етказишда дастуриламал вазифасини ўтамоқда.



Соғлом авлод орзуси ижобати

Ўтган йиллар мобайнида ушбу соҳадаги ишларни ташкил этишнинг мустаҳкам ҳуқуқий асоси ва ташкилий механизми яратилди. Аҳоли, жумладан, оналар ва болаларга самарали тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича замонавий тизим барпо этилди. "Соғлом она — соғлом бола" мақсадли дастури ҳаётга изчиллик билан татбиқ этилмоқда.

Жаҳон амалиётида илк бор мамлакатимизда ҳомиладор аёллар давлат бюджети ҳисобидан бепул поливитаминлар билан таъминланмоқда. Болаларни юқумли касалликларга қарши эмлаш тўла бажарилаётир. Мамлакатимиздаги бирламчи тиббий-профилактика муассасаларида тиббий-илмий марказлар ва етакчи клиникалар олимлари ва мутахассислари иштирокида аёллар, болалар, ўсмирлар ва кенг аҳоли қатламларини чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказиш анъанага айланди.

Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 1 августдаги "2014-2018 йилларда Ўзбекистонда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлиғини муҳофаза қилиш борасидаги Давлат дастури тўғрисида"ги қарори мазкур йўналишдаги ишлар кўламини янада кенгайтирди.

Бу жараёнда болаларга ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мамлакатимизда болаларга жаҳон тиббиётининг илғор тамойиллари асосида тиббий ёрдам кўрсатишга йўналтирилган ўзига хос тизим яратилган. Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази ва вилоятлардаги кўп тармоқли болалар тиббиёт марказларида кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилаётир.

2014 йили "Соғлом бола йили" Давлат дастури доирасида Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази тубдан реконструкция ва модернизация қилинди, бир қатор бўлимлар учун янги бинолар қурилди. Натижада мазкур тиббиёт масканининг маслаҳат-ташхис поликлиникаси ва даволаш бўлимларида йилига ўн икки мингдан ортиқ болага жаҳон андозалари даражасида бепул тиббий ёрдам кўрсатиш йўлга қўйилди.

Болаларда учрайдиган касалликларнинг олдини олиш, диагностика ва даволашнинг самарали усулларини яратиш мазкур марказ фаолиятининг устувор йўналишидир. Қарийб тўқсон нафар олим ва тадқиқотчи фаолият юритаётган марказда илмий изланишлар жараёнида Ўзбекистон Фанлар академияси институтлари, ихтисослаштирилган тиббий-илмий марказлар, олий ўқув юртлари ва етакчи хорижий клиникалар билан йўлга қўйилган ҳамкорлик ўз самараларини бермоқда. Шу боис болаларда учрайдиган бир қатор касалликларни даволашнинг замонавий усуллари яратилди. Ўпка ва нафас йўллари хасталиклари, энтераль етишмовчиликда ҳужайрада рўй берадиган бузилишлар, онадан болага ОИТС юқишининг олдини олиш, кам вазнли чақалоқларни соғломлаштиришнинг оптимал усуллари шулар жумласидандир.

(Давоми тўртинчи бетда)

Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини эркинлаштириш ва янада инсонпарварлаштириш йўлида ўлим жазоси бекор қилинганига 10 йил тўлди. Маълумки, 2005 йил 1 августда Президентимиз Ислом Каримовнинг "Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида"ги Фармони қабул қилинди.

Istiqlol imkoniyatlari

Инсон ҳаёти ва ҳуқуқлари – олий қадрият



Президентимизнинг жиноий жазоларни либераллаштиришга қаратилган ва суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг ривожига янги туртки берган мазкур Фармонида "мамлакатда амалга оширилаётган давлат ва жамият ҳаётини демократик жиҳатдан янада янгилаш, мамлакатни модернизация қилиш борасидаги ислоҳотларнинг моҳияти ва мазмуни, суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш бўйича олиб борилаётган ишларнинг натижалари жазо тури сифатида ўлим жазоси бекор қилинишини ҳамда уни умрбод ёки узоқ муддатга озодликдан маҳрум этиш жазоси билан алмаштирилиши зарурлигини тақозо этмоқда", деб таъкидланган.

Фармонга биноан, Ўзбекистонда 2008 йилнинг 1 январидан бошлаб жиноий жазо тури сифатида ўлим жазоси бекор қилинди ва унинг ўрнига умрбод ёки узоқ муддатли озодликдан маҳрум этиш жазо тури жорий этилди. Ушбу муҳим ҳужжат қабул қилинган кундан бошлаб ўлим жазосига маҳкум этилган шахсларнинг бирортасига нисбатан жазо ижро этилмади. Ҳуқуқ тили билан айтганда, ўлим жазоси тўғрисидаги суд ҳукми ижро этилишига де-факто мораторий эълон қилинди.

(Давоми учинчи бетда)

Ўзбекистон Республикаси Олий судида умумий юрисдикция судларининг 2015 йилнинг биринчи ярмида одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолияти натижалари ҳамда истиқболдаги вазифаларга бағишланган кенгайтирилган раёсат йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Олий суд судьялари, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича вилоят ва унга тенглаштирилган судлар раислари иштирок этди.

Xabar

Ўзбекистон Республикаси Олий судида

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси Ш.Газиев бошқарган йиғилишда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга, қонунчиликни таъминлашга хизмат қилаётгани таъкидланди.

Одил судловни амалга ошириш, фуқароларнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш, ижтимоий адолат ва қонун устуворлигини таъминлаш борасида судлар самарали фаолият юритмоқда.

Ҳисобот даврида фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан 129 мингдан ортиқ иш кўриб чиқилган. Кўрилган ишларнинг 88 фоизи бўйича ҳал қилув қарори чиқарилган, шундан 89 фоизи бўйича даъво талаблари қаноатлантирилган.

Ярашув институтини самарали қўллаш натижасида жорий йилнинг шу даврида 6,5 минг, бу институт амалиётга жорий қилинганидан буён эса, 169 минг нафардан зиёд шахс жиноий жавобгарликдан озод этилган. Жиноий жазоларнинг либераллаштирилгани ва бу қонун ҳаётга татбиқ қилинганидан буён 768 миллиард сўмдан ортиқ моддий зарарнинг ўрнини ихтиёрий равишда қоплаган 31,8 минг нафардан зиёд шахсга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар тайинланган.

Шунингдек, раёсат йиғилишида Президентимизнинг 2015 йил 15 майда қабул қилинган "Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитини янада эркинлаштириш, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини кафолатли ҳимоя қилиш йўлида яна бир муҳим қадам бўлгани алоҳида қайд этилди.

(Давоми иккинчи бетда)

Islohot va samara

Апелляция институти

ҳукм, қарор ва ажримларнинг қонунийлиги, адолатлилиги ҳамда асослилигини таъминлашга хизмат қилмоқда

Мустақиллик йилларида мамлакатимиз ҳаётининг барча соҳаларида, шу жумладан, суд-ҳуқуқ тизимида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Натижада фуқароларнинг суд орқали ҳимояланиш кафолатлари тубдан мустаҳкамланди.

Айтиш керакки, бугунги кунда фуқаролар биринчи инстанция суди қароридан норози бўлган тақдирда, ҳуқуқ ва манфаатини апелляция ҳамда кассация инстанциясида ўз адвокати иштирокида ҳимоя қилиш имконига эга бўлди. Жорий этилган ушбу янгиликлар биринчи инстанция судлари томонидан йўл қўйилган хатоларни ўз вақтида тузатиш ва суд фаолиятида сансалорликка йўл қўйилишининг олдини олишга хизмат қилмоқда.

(Давоми иккинчи бетда)

Мамлакатимизда аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, инсон саломатлиги учун фойдали мева ва сабзавотлар, гўшт ва сут маҳсулотларини етиштириш ҳамда эл дастурхонига етказиб бериш устувор вазифа этиб белгиланган. Эътиборлиси шундаки, ушбу вазифа ижроси деҳқон ва фермер хўжаликлари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи корхоналар томонидан изчил таъминланмоқда.

Burch va majburiyat

Контрактация шартномаси

тарафлар манфаатини таъминлаш, сифатли маҳсулотларни ўз вақтида етказиб беришнинг зарурий воситасидир

Албатта, ушбу субъектлар ўртасида юзага келадиган иқтисодий муносабатлар шартнома қонунчилиги асосида тартибга солинади. Бу борада Фуқаролик кодекси ва "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги қонун мустаҳкам ҳуқуқий асос вазифасини ўтамоқда.

Айтиш керакки, Фуқаролик кодексининг 465-моддасида белгилаб қўйилганидек, контрактация шартномасига мувофиқ қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштирувчи қишлоқ хўжалиги маҳсулотини қайта ишлаш ёки сотиш учун бундай маҳсулотни харид қиладиган шахсга — тайёрловчига шартлашилган муддатда топшириш (топшириб туриш) мажбуриятини олади, тайёрловчи эса, бу маҳсулотни қабул қилиш (қабул қилиб туриш), унинг ҳақини шартлашилган муддатда муайян баҳода тўлаш (тўлаб туриш) мажбуриятини олади.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилар, тайёрлов ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ўртасида шартномалар тузиш уларни бажаришда юзага келадиган муносабатлар, шунингдек, уларни туман ҳокимлигининг қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимларида рўйхатдан ўтказиш ҳамда уларнинг бажарилиши мониторингини олиб бориш тартиби Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 сентябрдаги қарори билан тасдиқланган "Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилар билан тайёрлов, хизмат кўрсатиш ташкилотлари ўртасида шартномалар тузиш, уларни рўйхатдан ўтказиш, бажариш, шунингдек, уларнинг бажарилиши мониторингини олиб бориш тартиби тўғрисида"ги Низом асосида тартибга солинади.

(Давоми иккинчи бетда)

Мамлакатимиз ҳудудидаги кенг ва равон йўлларда эмин-эркин ҳаракатланиш, йўл ҳаракати билан боғлиқ турли кўнгилсиз ҳодисаларнинг олдини олиш, бир сўз билан айтганда, кўзланган манзилга бехатар етиб олишнинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш бугунги жадал ривожланаётган техник-технологик тараққиёт асрида муҳим аҳамиятга эга. Ҳозирги кунда амалда бўлган "Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида"ги қонун ва "Йўл ҳаракати қоидалари" бу борадаги муҳим ҳуқуқий асос ҳисобланади.

Qonun ijodkorligi

Замонавий автоматлаштирилган тизим

йўл ҳаракати хафвсизлигини таъминлашда муҳим ўрин тутади

Ушбу соҳанинг ҳуқуқий механизмини янада мустаҳкамлаш, энг замонавий технологиялар жорий этилаётгани муносабати билан юзага келадиган ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш мақсадида, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан "Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси қабул қилиниб, Олий Мажлис Сенатига юборилди.

Айтиш жоизки, ушбу қонун лойиҳаси транспорт воситалари эгаларининг масъулиятини янада кучайтириш орқали йўл ҳаракати қоидабузарликларининг олдини олиш самарадорлигини ошириш, бу борада татбиқ этилаётган автоматлаштирилган тизимдан кўзланган вазифаларнинг самарали бажарилишини қонунчилик нормалари билан тартибга солишга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Мазкур қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш жараёнида ўтказилган ўрганишлар шуни кўрсатдики, одамларнинг ҳаётдан бевақт кўз юмиши, улар саломатлигига жиддий шикаст етиши ёхуд бир умрга ногирон бўлиб қолишига кўп ҳолларда транспорт воситасини бошқаришда белгиланган ҳаракат тезлигини ошириш сабаб бўлмоқда.

(Давоми учинчи бетда)

Muloqot

Савол беринг, жавоб берамиз

Амалдаги қонунларда дори воситалари рекламасига нисбатан қандай талаблар белгиланган? Илтимос, шу ҳақда тушунтириш берсангиз.

Мусурмон НИЁЗОВ,
Қашқадарё вилояти, Касби тумани

— "Реклама тўғрисида"ги қонуннинг 22-моддасига кўра, дори воситалари рекламасида дори воситасининг тўлиқ номи (шу жумладан, халқаро фармакологик номи) ва ишлаб чиқарувчисининг номи, дори воситасидан фойдаланиш ёки уни қўллаш ҳақидаги ахборот бўлиши шарт.

Шунингдек, фақат шифокорнинг кўрсатмаси (рецепти) бўйича бериладиган дори воситалари; таркибида гиёҳвандлик воситалари ва (ёки) психотроп моддалари бўлган дори воситалари; Ўзбекистон Республикасида тиббиётда қўлланишга рухсат берилмаган дори воситаларини реклама қилиш тақиқланади.

Айтинг-чи, электр энергияси таъминоти идораси ходими қандай ҳолатларда электр энергияси беришни тўхтатиб қўйиши мумкин?

И.ИБРАГИМОВА,
Тошкент вилояти, Ғазалкент тумани

— Маълумки, "Электр энергетикаси тўғрисида"ги қонуннинг 28-моддасида истеъмолчиларга электр энергияси етказиб беришни тўхтатиб туриш тартиби кўрсатилган бўлиб, унга кўра, ҳудудий электр тармоқлари корхонаси ёки унинг электр таъминоти корхонаси:

- электр таъминоти шартномаси шартларида белгиланган электр энергиясини истеъмол қилиш режими бузилганда;
- ҳудудий электр тармоқларига электр қурилмалари ўзбошимчалик билан уланганда;
- электр энергиясини ҳисобга олиш асбобларига қасддан шикаст етказилганда ёки ҳисобга олиш асбобларининг кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида уларга ташқаридан аралашилганда;
- фойдаланилган электр энергияси учун электр таъминоти шартномасида белгиланган муддатларда ҳақ тўланмаганда истеъмолчига электр энергияси етказиб беришни белгиланган тартибда тўхтатиши мумкин.

Ушбу ҳолатлар бартараф этилган тақдирда, ҳудудий электр тармоқлари корхонаси ёки унинг электр таъминоти корхонаси истеъмолчига электр энергияси етказиб беришни қайта тиклайди.

Менга нисбатан суд томонидан содир этган жиноятим учун шартли ҳукм қўлланилган эди. Яқинда бу муддат тугади. Айтинг-чи, энди менга нисбатан судланганлик ҳолати тугалланган ҳисобланадими?

Акмал МУЗРАБОВ,
Сурхондарё вилояти, Ангор тумани

— Сизнинг бу саволингизга жавобан шуни қайд этиш жоизки, Жиноят кодексининг 78-моддасига биноан, шахснинг судланганлик ҳолати қуйидаги пайтларда тугалланади:

а) шартли ҳукм қилинганларга нисбатан — синов муддати тугаган кундан бошлаб;

б) хизмат бўйича чеклаш ёки интизомий қисмга жўнатиш тарзидаги жазоларини ўтаб чиққач;

в) жарима жазоси ижро этилган кундан кейин, шунингдек, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёки ахлоқ тузатиш ишлари жазолари ўталганидан кейин бир йил ўтгач;

г) қамоқ жазоси ўталганидан кейин — икки йил ўтгач;

д) беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси ўталганидан кейин — тўрт йил ўтгач;

е) беш йилдан ортиқ, лекин ўн йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси ўталганидан кейин — етти йил ўтгач;

ж) ўн йилдан ортиқ, лекин ўн беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси ўталганидан кейин — ўн йил ўтгач.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, сизга нисбатан судланганлик ҳолати тугалланган ҳисобланади.

Айтинг-чи, туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномадаги хатоларни тузатиш учун давлат божи тўланадими?

Нодира ИБОДУЛЛАЕВА,
Тошкент вилояти, Янгийўл тумани

— Солиқ кодексининг 326-моддасига мувофиқ, давлат божи юридик аҳамиятга молик ҳаракатларни амалга оширганлик ва (ёки) бундай ҳаракатлар учун ваколатли муассасалар ва (ёки) мансабдор шахслар томонидан ҳужжатлар берганлик учун олинадиган мажбурий тўловдир.

Мазкур кодекснинг 328-модда 4-бандига биноан, фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этганлик учун, шунингдек, фуқароларга фуқаролик ҳолати далолатномалари қайд этилганлиги тўғрисида такрорий гувоҳнома берганлик учун ҳамда фуқаролик ҳолати далолатномалари ёзувига ўзгартишлар, қўшимчалар, тузатишлар киритилиши ва унинг қайта тикланиши муносабати билан гувоҳнома берганлик учун давлат божи тўланади.

Аммо сиз назарда тутаётган вазиятда, яъни туғилиш, ўлим қайд этилганлиги учун, уларга фарзандликка олинган, оталик белгиланган, жинси ўзгартирилган ҳолларида, шунингдек, фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш чоғида йўл қўйилган хатолар муносабати билан туғилганлик тўғрисидаги ҳужжатлар ёзувлари ўзгартирилган, тўлдирилган ва тузатилган тақдирда, гувоҳномалар берганлик учун жисмоний шахслар давлат божини тўлашдан озод қилинганлиги ҳақидаги норма мазкур кодекснинг 332-моддаси 2-бандида қайд этилган.

Саволларга фуқаролик ишлари бўйича Тошкент вилояти судининг судьяси Сайёра КОШАЕВА жавоб берди.

Xabar

Ўзбекистон Республикаси Олий судида

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Фармонда тадбиркорлик субъектлари солиқ ва божхона қонунчилигини бузганлиги муносабати билан уларнинг мулкини мусодара қилиш, тўловчи томонидан эътироз бўлганда, қўшимча ҳисобланган божхона тўловларини ундириш фақат суд қарори билан амалга оширилишининг белгиланиши суд органлари зиммасига алоҳида масъулият юклайди.

Суд ҳокимиятининг нуфузини мустаҳкамлаш, судьяларнинг билим ва малакасини ошириш, уларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилишга қаратилган муҳим чора-тадбирлар соҳадаги ишлар самарадорлигини янада ошираётир. Бу борада давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 2 августда қабул қилинган "Суд тизими ходимларини ижтимоий муҳофаза қилишни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ва 2012 йил 30 ноябрдаги "Судлар фаолиятини янада такомиллаштиришга оид ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармонлари муҳим аҳамият касб этмоқда. Зеро, мазкур ҳужжатлар асосида судьялар ва суд ходимларининг ижтимоий муҳофазасини кучайтириш, судларнинг моддий-техник базасини янада такомиллаштириш ишлари амалга оширилмоқда.

Шунингдек, суд тизимига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилаётир. "Фуқаролик судловни такомиллаштириш: самарали суд бошқаруви" лойиҳаси доирасида ишлаб чиқилган "E-SUD" миллий электрон судлов ахборот тизими фуқаролик ишлари бўйича Зангиота туманлараро судида муваффақиятли синовдан ўтказилди. Ушбу тизим орқали шу йилнинг биринчи ярмида 11 мингга яқин суд буйруғи бериш тўғрисидаги ариза электрон шаклда келиб тушди ва судда кўриб чиқилди.

Шунингдек, "E-SUD" миллий электрон судлов ахборот тизими ҳозирда Тошкент шаҳридаги яна 3 та фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судида ўрнатилди. Йил охирига қадар ушбу тизим ўрнатилган судлар сони 9 тага етади.

Судларда иш юритиш самарадорлигини оширишни таъминлайдиган замонавий ахборот тизимлари ва ресурсларини яратиш, шунингдек, тадбиркорлик субъектлари ва аҳолига кўрсатиладиган интерактив хизматлар рўйхатини кенгайтириш ва сифатини яхшилаш, энг муҳими, ривожланган давлатларда кенг ҳамда самарали қўлланилаётган электрон одил судлов институтини шакллантиришга хизмат қилади.

Йиғилишда истиқлол йилларида юртимизда суд-ҳуқуқ тизимини тубдан ислоҳ қилиш борасида амалга оширилган ишлар ўзининг ижобий самарасини кўрсатаётганлиги қайд этилди. Жумладан, 2014 йил 4 сентябрда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун билан жиноят-процессуал қонунчилигида белгиланган процессуал мажбурлов чоралари тизимига янги — уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасининг киритилиши инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини янада мустаҳкамлаш йўлида амалга оширилаётган ҳуқуқий ислоҳотларнинг узвий давоми бўлиб, кенг жамоатчилик, халқаро ҳамжамият томонидан юқори баҳоланди.

Айтиш керакки, 2015 йил 12 июндаги "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида"ги қонун билан амалдаги Фуқаролик процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Яъни фуқаролик судларига электрон мурожаат қилиш, суд чақирув қоғозлари, қарор нусхалари ва бошқа ҳужжатларни электрон шаклда юборишнинг қонунчиликда белгилаб қўйилгани бу борадаги ишлар самарадорлигини таъминлайди.

Йиғилишда таъкидланганидек, жорий йилнинг биринчи ярмида Республика юристлар малакасини ошириш марказида 152 нафар вилоят, туманлараро, туман (шаҳар) судларининг судьялари малака ошириб қайтди. Ҳисобот даврида марказда тақсил олган номзодларнинг 36 нафари судьялик лавозимига тайинланди. Президентимиз ташаббуси билан жорий этилган мазкур чора-тадбирлар судьялар таркибининг сифат жиҳатдан ўзгаришига ва мустаҳкамланишига ижобий таъсир кўрсатганлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Танқидий руҳда ўтган йиғилишда судлар томонидан йўл қўйилган камчиликлар ва суднинг обрўсига путур етказадиган қонунбузилиш ҳолатлари атрофлича муҳокама этилиб, қатъий муносабат билдирилди. Судья ва суд ходимларининг масъулиятини, касб маҳорати ва малакасини янада ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Йиғилишда муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Олий суд Ахборот хизмати

Burch va majburiyat

Контрактация шартномаси

тарафлар манфаатини таъминлаш, сифатли маҳсулотларни ўз вақтида етказиб беришнинг зарурий воситасидир

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Ушбу низомда шартнома мажбуриятларини бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун қуйидаги жавобгарлик чоралари белгиланган:

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини контрактация шартномасида белгиланган ассортимент ва турларда, муддатларда топширишдан асоссиз бўйин товлаган хўжалик тайёрловчига топширилмаган маҳсулот қийматининг 25 фоизи миқдорида жарима тўлайди. Бундан ташқари зарарнинг маҳсулот етказиб берилмаганлиги туфайли юзага келган, жарима билан қопланмаган қисми ҳам тўланади;
- қишлоқ хўжалиги маҳсулотини контрактация шартномасида белгиланган ассортимент, турлар ва муддатларда қабул қилиб олиш рад этилган ҳар бир ҳолат учун тайёрлов ташкилоти хўжаликка белгиланган устамалар тўлашни ҳисобга олмасдан шаклланган ўртача нархдан келиб чиқиб қабул қилинмаган маҳсулот қийматининг 25 фоизи миқдорида жарима тўлайди, тез бузилувчи маҳсулот бўйича эса, унинг тўлиқ қийматини тўлайди. Бундан ташқари маҳсулотни қабул қилиш рад этилганлиги туфайли хўжалик кўрган зарарнинг жарима билан қопланмаган қисми ҳам тўланади;
- контрактация шартномасига мувофиқ топширилган (юклаб жўнатилган) қишлоқ хўжалиги маҳсулоти учун ҳақ тўлашдан асоссиз бош тортилганда тайёрлов ташкилоти хўжаликка тўланмаган суммани, ўзи тўлашдан бош тортган суммани 15 фоизи миқдоридаги жаримани тўлайди. Тайёрлов ташкилоти жаримадан ташқари, хўжаликка муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун белгиланган муддатда тўланмаган суммани 0,4 фоизи миқдорида, бироқ муддати ўтказиб юборилган суммаларнинг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлайди;
- товар-транспорт ҳужжатини расмийлаштириш рад этилганлиги ёки нотўғри расмийлаштирилганлиги учун айбдор томон бошқа томонга товар-транспорт ҳужжатини расмийлаштириш рад этилганлиги ёки нотўғри расмийлаштирилганлигининг ҳар бир ҳолати учун энг кам ойлик иш ҳақи миқдорида жарима тўлайди;
- юклаб жўнатилган товарларга тўлов ёки товар-транспорт ҳужжатининг нусхаси белгиланган муддатда юборилмаганлиги ёки товарлар юклаб жўнатилганлиги тўғрисида бошқа ахборот тақдим этилмаганлиги учун айбдор томон ҳар бир ҳолат учун товар қийматининг 1 фоизи миқдорида жарима тўлайди;
- тайёрлов ёки хизмат кўрсатиш ташкилоти томонидан маҳсулот ва кўрсатилаётган хизматлар сифати, миқдори нотўғри аниқланиши, уларнинг қиймати нотўғри белгиланиши ва ундирилиши ҳоллари аниқланган тақдирда, тайёрлов ташкилотлари маҳсулот сифатини, шунингдек, уларнинг миқдорини ҳисобга олган ҳолда, қайта ҳисоб-китоб қиладилар ҳамда ушбу ҳисобланган суммадан ташқари хўжаликка нотўғри ҳисобланган суммани 20 фоизи миқдорида жарима тўлайдилар;
- маҳсулот учун ҳисоб-китоб қилишда тайёрловчи томонидан ортиқча олинган пул суммалари қайтариб берилмаган тақдирда (айни бир маҳсулотнинг ўзига такроран ҳақ тўланганда, маҳсулот нархи нотўғри қўлланилганда, товарсиз тўлов талабномасига ҳақ тўланганда ва бошқаларда), тайёрловчи ушбу суммани қайтаради ва бошқа томонга ушбу пул маблағларидан фойдаланилган бутун вақт учун Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаш ставкаси миқдорида ортиқча олинган сумма учун жарима тўлайди;
- агар юклаб жўнатилган маҳсулотнинг сифати, ассортименти, сорти, техник регламентлар ёки стандартлар талабларига, намуналарга ёки шартномада белгиланган бошқа шартларга жавоб бермаган тақдирда, айбдор томон сифати зарур даражада бўлмаган маҳсулот (бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар) қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима тўлайди;

Айтиш керакки, адлия идоралари томонидан контрактация шартномаларининг ижроси юзасидан доимий мониторинг олиб борилмоқда. Жумладан, Наманган вилояти адлия бошқармаси томонидан олиб борилган ўрганишлар натижасида 2014 йил давомида шартномаларнинг бажарилишига доир бир қатор қонунбузилиши ҳолатлари аниқланди ва тегишли идораларга 76 та тақдимнома киритилди. Натижада 75 нафар мансабдор шахс интизомий жавобгарликка тортилди, уларнинг 8 нафари эгаллаб турган лавозимидан озод этилди ва 3 миллиард 241 миллион сўм маблағ эгаларига қайтарилиши таъминланди.

Шунинг баробарида, шартнома интизомига риоя қилмаслик ҳолатлари юзасидан расмийлаштирилган маъмурий таклифлар асосида 17 нафар мансабдор шахс жавобгарликка тортилди.

Шунингдек, адлия бошқармаси томонидан ўтказилган ўрганишлар жараёнида айрим тайёрлов ва қайта ишлаш корхоналари томонидан контрактация шартнома шартлари лозим даражада бажарилмаётгани аниқланиб, 2015 йилнинг 1-чораги давомида судларга 1 миллиард 85 миллион 734 минг сўмлик 202 та даъво аризалари киритилди.

Айни чоғда ушбу даъво аризалари судлар томонидан кўриб чиқилиб, фермер хўжаликлари фойдасига етказиб берилган пахта хомашёси учун тўланмаган пул маблағларини ундириш бўйича ҳал қилув қарорлари қабул қилинди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, контрактация шартномасида белгиланган мажбуриятларни тўлиқ адо этиш аҳолини юқори сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш имконини берибгина қолмай, тарафларнинг молиявий аҳволини яхшилаш, иқтисодиётимизнинг барқарор суръатларда ривожланишига хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Алимардон ИНОМОВ,
Наманган вилоят адлия бошқармаси бўлими бошлиғи

Islohot va samara

Апелляция

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Апелляция институти ўтган муддат мобайнида юқори турувчи судларнинг қуйи судлар фаолияти устидан назоратни амалга оширишининг энг қулай, самарали ҳамда афзал усули эканини амалда тўлиқ исботлади.

Жиноят ишларини апелляция тартибида кўриш биринчи босқич суди томонидан қабул қилинган ҳужжатларнинг қонунийлиги, адолатлилиги ва асослилигини текширишнинг муҳим шарти, одил судловга эришишнинг омили сифатида фуқаролар онги-шууридан мустаҳкам жой олди.

Чиндан ҳам, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш биринчи галда жиноят ишининг қонуний, адолатли ва асосли кўриб чиқилишига боғлиқ. Бу эса, фақат биринчи босқич судларинигина эмас, балки юқори инстанция судларининг ҳам зиммасига юклатилган асосий вазифалардан.

Фикримизни мисол асосида далиллайдиган бўлсак, биринчи босқич судининг ҳукмига кўра, Д.Аҳмадалиевга (исм-шарифлар ўзгартирилган) Жиноят кодексининг 167-моддаси 3-қисми "а" банди билан Жиноят кодексининг 45-моддаси қўлланилиб, икки йил муддатга мансабдорлик ва моддий жавобгарлик ишларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилинган ҳолда 5 йил 6 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси, Жиноят кодексининг 209-моддаси 1-қисми билан бир йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиб, Жиноят кодексининг 59-моддасига асосан тайинланган жазоларни қисман қўшиш йўли билан узил-кесил икки йил муддатга муайян ҳуқуқдан, 6 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган. Жазони умумий тартибли колонияларда ўташ белгиланган.

Амнистия актига асосан, Д.Аҳмадалиевга тайинланган озодликдан маҳрум қилиш жазоси учдан бир қисмига қисқартирилган. Судланувчидан масъулияти чекланган жамият фойдасига 50 миллион 595 минг 175 сўм ундириш белгиланган.

Иш ҳужжатларидан кўринишича, Д.Аҳмадалиев масъулияти чекланган жамиятининг 1-сон автосалон таъминотчиси лавозимида фаолият юритиб келган. У "GM-Uzbekistan" ЁАЖда ишлаб чиқарилган автомашиналарни улар сақланадиган Андижон, Наманган, Фарғона, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳрида жойлашган базалардан автосалонларга етказиб келиб, шартномага асосан олдиндан тўловни амалга оширган харидоларга топшириш вазифасини бажарган.

2012 йил июль-декабрь ойлари давомида базалардан масъулияти чекланган жамиятга 717 дона автомашинани бошқариб келгани учун ҳайдовчиларга 25 минг сўмдан 50 минг сўмгача пул маблағи берилгани ҳақида шартнома тузилган. Ушбу шартномаларда Д.Аҳмадалиев ҳайдовчиларнинг имзоларини сохталаштириб, уларнинг ўрнига ўзи имзо чеккан. Ҳужжатларга сохта маълумот ва ёзувлар киритиб, бошқариб келинган автомашиналарга ёнилғи қуйилгани ҳақидаги патталарни ҳисоботларга қўшган.

Д.Аҳмадалиев сохта ҳисоботларни масъулияти чекланган жамият ҳисобхонасига тақдим этиб, икки ҳолатда жами 50 миллион 595 минг 175 сўм маблағни ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилганликда айбланган ва биринчи босқич суди томонидан унга нисбатан тегишли жазо тайинланган.

Апелляция судлов ҳайъати мазкур жиноят иши юзасидан судланувчи Д.Аҳмадалиев ва унинг ҳимоячиси томонидан берилган апелляция шикоятларидаги важларни мавжуд ҳужжатлар асосида батафсил ўрганиб чиқди.

Шу ўринда судланувчига нисбатан қўйилган айбловга тўхталадиган бўлсак, Жиноят кодексининг 209-моддасида мансаб сохтакорлиги, яъни мансабдор шахснинг ғаразгўйлик ёки бошқа манфаатларни кўзлаб расмий ҳужжатларга била туриб сохта маълумотлар ва ёзувлар киритиши, ҳужжатларни қалбакилаштириши, била туриб сохта ҳужжатлар тузиши ва тақдим этиши, фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига жиддий зарар етказилишига сабаб бўлган ҳаракатлари учун жавобгарлик белгиланган.

Айтиш керакки, судланувчи Д.Аҳмадалиев автосалонда таъминотчи лавозимида фаолият юритган. Масъулияти чекланган жамият йўриқномасида автосалон таъминотчисининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгилаб қўйилган. Унга кўра, таъминотчи жамиятнинг ички тартиб-қоидалари ва техника хавфсизлигига ҳамда меҳнатни муҳофаза қилиш нормаларига риоя этиши, жамиятга автомашиналарнинг сифатли, соз ва жиҳозланган ҳолатда етиб келишини таъминлаши ва уларни текшириб, қабул қилиб олиши белгиланган.

Istiqlol imkoniyatlari

Инсон ҳаёти ва ҳуқуқлари – олий қадрият

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Ғоятда катта ижтимоий-сиёсий ва халқаро аҳамиятга молик бўлган ушбу тарихий воқеа нафақат юртдошларимиз, балки дунё ҳамжамиятининг ҳам эътибори ва эътирофига сазовор бўлди. Чунки эндиликда юртимизда умрбод озодликдан маҳрум қилиш фавқулодда жазо чораси бўлиб, фақат икки турдаги жиноят, яъни жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатларда қасддан одам ўлдириш ва терроризм жинояти учун тайинланади. Айни чоғда бу жазо тури хотин-қизларга, жиноят содир этган пайтда 18 ёшга тўлмаган шахсларга ва ёши 60 дан ошган эркакларга нисбатан қўлланилмайди.

Нуфузли хорижий мутахассисларнинг фикрича, ушбу чора ва бу борада бошқа бир қатор ҳуқуқий ҳамда ташкилий ишларнинг амалга оширилиши билан Ўзбекистонда энг либерал жиноий жазо тизими яратилди. Халқаро экспертларнинг қиёсий таҳлиллари умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси Германия ва Польшада 5 та, Бельгия ва Россияда 6 та, Данияда 9 та, Швецияда 13 та, Францияда 18 та, Голландияда эса, 19 та жиноят тури бўйича тайинланиши мумкинлигини кўрсатмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш ва либераллаштиришнинг асосий мақсади, биринчидан, инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини, иккинчидан, инсоннинг асоссиз жиноий таъқибдан ва хусусий ҳаётига аралашишдан ҳимояланишини, учинчидан, инсоннинг эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқини, тўртинчидан, инсоннинг адолатли суд муҳокамасига бўлган ҳуқуқини самарали таъминлашдан иборат.

Бу ҳақда сўз борганда, Ўзбекистон 1991 йил 31 августда давлат мустақиллигини эълон қилиб, халқаро ҳамжамиятнинг тўлақонли аъзосига айланган, ўтган даврда инсон ҳуқуқлари бўйича етмишдан ортиқ халқаро ҳужжатларни ратификация қилганини қайд этиш мақсадга мувофиқдир. Бу билан давлатимиз инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ва уларга риоя қилиш юзасидан ўз зиммасига муайян мажбуриятларни олди. Бинобарин, ҳаётга бўлган табиий ҳуқуқ — инсоннинг яшаш ҳуқуқи барча ҳуқуқ ва эркинликларнинг асоси ҳисобланади.

Дунё миқёсида қарайдиган бўлсак, давлат қонунларининг бузилишига давлатнинг муносабати сифатида "ўлим жазоси берилиши керакми ёки йўқ" деган масала кўп асрлардан буён нафақат ҳуқуқшуносларнинг, балки давлат органлари, жамоатчилик вакилларининг, оммавий ахборот воситалари, фуқаролик жамияти институтлари, оддий фуқароларнинг диққат-эътиборида бўлиб келмоқда. Жаҳон жамоатчилиги орасида ушбу муаммо билан боғлиқ мунозаралар гоҳ авж олади, гоҳида тинади. XX асрнинг охирги ўн йиллигидан бошлаб бу мавзудаги муҳокамаларнинг яна фаоллашгани кузатилмоқда.

Энг муҳими, 1977 йилда БМТ Бош Ассамблеясининг 32-сессиясида жаҳон ҳамжамияти ушбу нуфузли халқаро ташкилот тимсолида бу муаммо юзасидан ўз фикрини аниқ билдирди. Яъни башарият ўлим жазоси қўлланилиши ҳолатларини имкон қадар камайтириш тарафдоридир. Бугунги кунда аксарият давлатларнинг миллий қонунчилигида жазо чораси сифатида ўлим жазосини астасекин бекор қилиш тенденцияси тобора устунлик қилмоқда.

Конституциямизнинг 24-моддасида: "Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир", деб мустаҳкамлаб қўйилган бўлса, 13-моддасига кўра, "инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият" ҳисобланади.

Шу боис Ўзбекистонда бундан ўн йил олдин ўлим жазосининг бекор қилингани, бир томондан, санаб ўтилган конституциявий қоидалар ҳаётга тўла татбиқ этилаётганини англатса, иккинчи томондан, мамлакатимизда инсон ҳаёти чиндан ҳам, олий қадрият эканини яна бир бор тасдиқлайди, учинчи томондан, буларнинг барчаси жаҳон ҳамжамиятининг бу борадаги тамойилларига тўла мос келади.

Франция Сенатининг "Франция-Марказий Осиё" парламентлараро гуруҳи раиси Андрэ Дюлен эътироф этганидек: "Ўлим жазосининг бекор қилиниши ва "Хабеас корпус" институтининг жорий этилиши инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга йўналтирилган аниқ қадамларнинг натижалари бўлганлигини алоҳида таъкидлаш зарур".

Шуни қайд этиш жоизки, ушбу қарорга ўлим жазоси кўринишидаги жазо турини белгилаш кўзда тутилган жиноятлар турини изчиллик билан камайтириш жараёни орқали келинган. Шунинг учун бу борадаги ибратли тажриба, таъбир жоиз бўлса, миллий амалиёт ниҳоятда аҳамиятлидир. Биргина факт: Ўзбекистон давлат мустақиллигини қўлга киритгунига қадар республикамизда 1959 йилда қабул қилинган Жиноят кодекси амал қилган бўлиб, ўша кодексда жиноят турларининг 30 дан ортиғига ўлим жазоси кўринишидаги жазо тури белгиланган эди.

Собиқ шўро тузуми даврида ўлим жазоси қўлланилиши йўл қўйиладиган жиноятлар рўйхатини камайтириш эмас, аксинча, кенгайтириш тенденцияси кучли бўлган. Бу ҳол эса, собиқ иттифоқ парчаланиши пайтига келиб, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексида тинч даврда содир этилган жиноятларнинг 16 тури ва уруш даврида ёки жанговар вазиятда содир этилган жиноятларнинг 17 тури учун ўлим жазоси қўлланилиши назарда тутилишига олиб келгани ҳам ҳеч кимга сир эмас.

Ўзбекистоннинг давлат мустақиллигини қўлга киритиши конституциявий тузум асослари тубдан ислоҳ қилинишини бошлаб берди. Бу, ўз навбатида, янги ҳуқуқий сиёсатни шакллантиришни кун тартибига қўйди. Хусусан, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти муносабатларига асосланган янгича тизимда вужудга келаётган ижтимоий-сиёсий вазиятни ҳамда ривожланишнинг ўзига хос йўллари истиқболларини ҳисобга олган ҳолда, суверен Ўзбекистонда жиноятчиликка қарши кураш олиб боришнинг ҳуқуқий асосини ташкил этиши керак бўлган янги Жиноят кодексини ишлаб чиқиш муаммоси кечиктириб бўлмайдиган вазифалардан бирига айланди.

Ўлим жазоси қўлланилиши соҳасини аста-секин торайтириб бориш Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ тизимини эркинлаштириш жараёнларининг муҳим йўналиши сифатида намоён бўлди. Бу борада, жумладан, 1994 йилдаги Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексида ушбу моддалар сони 13 тагача, 1998 йилда 8 тагача, 2001 йилда 4 тагача камайтирилгани эътиборлидир. Шунингдек, 2003 йилда жиноят қонунчилигини эркинлаштириш юзасидан комплекс чора-тадбирлар амалга оширилгандан кейин фақат 2 та жиноят - жавобгарликни ўта оғирлаштирувчи ҳолатларда қасддан одам ўлдириш ва терроризм учун ўлим жазоси назарда тутиларди.

Президентимизнинг юқорида номи зикр этилган фармонига кўра, мамлакатимизда жиноий жазо тури сифатида ўлим жазоси 2008 йил 1 январдан бошлаб тўлиқ бекор қилинди ва умрбод қамоқ жазоси ёки озодликдан маҳрум қилишнинг узоқ муддатлари билан алмаштирилди.

Шундай қилиб, ўлим жазоси қўлланилиши соҳасини нафақат қонунчилик даражасида, балки реал ижро этиш даражасида қисқартириш, натижада бутунлай бекор қилиш тенденцияси инсонга нисбатан инсонпарварлик муносабатини амалда намоён этди. Бу муҳим қадам, шунингдек, инсоннинг қадр-қимматини юксакка кўтариш, ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини тўла таъминлаш, жамоатчилик онгу шуурига тарихан ўзбек халқига хос бўлган эзгулик тамойилларини чуқур сингдириш, Ўзбекистон Республикаси томонидан халқаро мажбуриятларининг самарали бажарилиши имконини берди.

Шу билан бирга, мамлакатимизда халқаро стандартларни миллий қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётига босқичма-босқич имплементация қилишнинг ўзига хос модели яратилганига эътибор қаратиш даркор. Масалан, 2008 йилда ўлим жазосини бекор қилиш бўйича халқаро стандартни ва "Хабеас корпус" институтини жорий этишдан олдин жамиятни, суд-ҳуқуқ тизимини, ҳуқуқни муҳофаза этиш органларини, аҳолини ушбу ўзгаришларга уч йил давомида тайёрлаб борилди.

Бинобарин, ўлим жазосини бекор қилиш нафақат ҳуқуқий, балки сиёсий масала ҳам бўлиб, у демократия ва инсонпарварлик идеалларига жавоб берадиган фуқаролик жамиятини қуриш вазифалари билан узвий боғланган. Инсоният ўз тажрибасида ўлим жазоси жиноятни тўхтата олмаслигига, аксинча, шафқатсизлик янада кўпроқ шафқатсизликни келтириб чиқаришига ишонч ҳосил қилди.

Дунё жамоатчилиги онгида ўлим жазоси билан инсон ҳуқуқлари бир-бирига мос эмас, деган фикр янада кучаймоқда. Айниқса, XXI асрда, мураккаб ва тез ўзгараётган ҳозирги глобаллашув шароитида бу масала барча давлатлар учун катта ижтимоий аҳамиятга эга бўлган долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Маълумотларга қараганда, 2013 ва 2014 йилларда ўлим жазосини қўллаган мамлакатлар сони 22 тани ташкил этган ва бу кўрсаткич 2012 йилгига нисбатан биттага кўпдир. Ўтган йили дунё мамлакатларида ўлим жазоси қўлланилган ҳолатлар кескин кўпайгани кузатилди. Яъни 2014 йили дунёда камида 2 минг 466 марта шундай оғир ҳукм чиқарилган бўлиб, бу кўрсаткич 2013 йилдагига нисбатан 28 фоиз ошган.

Айтиш жоизки, истиқлол йилларида Ўзбекистон ҳаётининг барча соҳаларида демократик ислоҳотлар амалга оширилгани туфайли қисқа вақт мобайнида кучли фуқаролик жамияти асосларини барпо этишга, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоясининг яхлит тизимини яратишга эришилди. Одил судлов соҳасида амалга оширилган туб ўзгаришлар ўлим жазоси каби жазо турининг бекор қилиниши учун зарур шарт-шароит яратди.

Ўлим жазосининг бекор қилиниши, одатда, ҳар бир инсоннинг яшашга бўлган ажралмас табиий ҳуқуқининг, гуманизм принципининг амалга оширилишини таъминлайди. Шу жиҳатдан, ўлим жазоси бекор қилиниши билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят процессуал ва Жиноят ижроия кодексларига ўлим жазосини жиноий жазо тизимидан олиб ташлашга қаратилган тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилгани диққатга моликдир.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида эътироф этилган энг асосий ғоялардан бири, шубҳасиз, ҳар бир инсоннинг яшашга бўлган ҳуқуқининг мустаҳкамлаб қўйилгани ҳисобланади. Маълумки, 2008 йил 1 майда Президентимизнинг "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган тадбирлар дастури тўғрисида"ги фармони қабул қилинди.

Ушбу фармон билан тасдиқланган Тадбирлар дастури доирасида, жумладан, Ўзбекистон парламенти "Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт"нинг ўлим жазосига тааллуқли Иккинчи Факультатив протоколини ратификация қилди. Ўзбекистон Иккинчи Факультатив протоколни ратификация қилган жаҳондаги 67-давлат бўлди.

Бундан ташқари Ўзбекистон БМТ Бош Ассамблеясининг "Ўлим жазосини қўллашга мораторий эълон қилиш" резолюциясини қўллаб-қувватлади ва 2010 йилнинг февраль ойида Женевада бўлиб ўтган Ўлим жазосига қарши 4-бутунжаҳон конгресси ишида иштирок этди.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистонда ўлим жазосининг бекор қилингани давлатимизнинг жиноятчиликка қарши кураш борасидаги сиёсати халқаро тенденцияларга мувофиқлигидан далолат беради ва мамлакатимизда инсонпарварлик ҳамда адолатнинг конституциявий принциплари изчиллик билан амалга оширилаётганини ўзида тўлиқ акс эттиради. Зеро, ўлим жазосини мустақил ва кучли давлатчиликка, ҳуқуқий маданиятнинг тарихий қадриятларига ва ривожланган ҳуқуқий тизимга эга давлатгина бекор қилишини бугун замоннинг ўзи яққол кўрсатиб турибди.

Акмал САИДОВ,
юридик фанлар доктори, профессор

Qonun ijodkorligi

Замонавий автоматлаштирилган тизим

йўл ҳаракати хафвсизлигини таъминлашда муҳим ўрин тутади

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Масалан, бу борада фақат 2014 йилда 10 минг 200 та йўл-транспорт ҳодисаси қайд этилган бўлиб, улардан 3 минг 600 таси (35,3 фоизи) транспорт воситасини бошқаришда белгиланган ҳаракат тезлигини ошириш оқибатида содир этилган.

Шу маънода қонунчиликка киритилган ўзгартишлардан бири — бу амалга жорий қилинаётган автоматлаштирилган тизимнинг қоидабузарлик содир этилган транспорт воситаси рақами, вақти ва жойини кўрсатган ҳолда ҳар бир йўл ҳаракати қоидабузарлик фактини қайд этиш имкониятидан келиб чиқади. Яъни татбиқ этилаётган автоматлаштирилган тизим техник имкониятлари ҳуқуқбузарлик содир этган ҳайдовчининг шахсини аниқлай олмайди. Шу муносабат билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш техника воситалари орқали йўл ҳаракати қоидалари бузилганлиги аниқланган тақдирда, ҳуқуқбузарликнинг такрорийлиги ҳисобга олинмаслигини белгиловчи янги модда билан тўлдирилмоқда.

Бунда, агар ҳуқуқбузарликни қайд этиш пайтида транспорт воситаси бошқа шахс бошқарувида бўлса, транспорт воситасининг мулкдори (эгаси) жавобгарликдан озод этилади.

Бундан ташқари махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш техника воситаларида қайд этилган йўл ҳаракати қоидаларининг бузилишлари бўйича жарима солиш тўғрисидаги қарор маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахснинг иштирокисиз чиқарилиши, юридик кучга эга бўлган электрон ҳужжат шаклида расмийлаштирилиши ва уни тузган ваколатли шахснинг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланиши белгиланди. Бунда тегишли қарорга ушбу техника воситалари қўлланилган ҳолда олинган материаллар илова қилиниб, электрон ҳужжатни қоғоз кўринишидаги ҳужжатга айлантириш йўли билан мазкур қарор чиқарилган кундан бошлаб уч кун ичида буюртма почта жўнатмаси орқали ҳуқуқбузарга юборилади.

Шу жумладан, қонунга жарима солиш тўғрисида қарор чиқарган ваколатли орган раҳбари махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш техника воситаларида қайд этилган йўл ҳаракати қоидаларининг бузилишлари бўйича жарима солиш тўғрисидаги қарор чиқарилган кундан бошлаб, олтмиш кун ичида қоидабузар томонидан ўз хоҳиши билан қарор ижроси таъминланмаса, ушбу қарор ижроси юзасидан иш юритиш тугагунга қадар транспорт воситаларини ушлаб туриш тўғрисида ёзма кўрсатма беришини белгиловчи қўшимча ҳам киритилмоқда.

Шуни ҳам айтиш жоизки, миллий қонунчиликка жорий қилинаётган ушбу ўзгартиш ва қўшимчаларнинг амалда самарали ишлашини таъминлаш мақсадида, автотранспорт воситаларининг рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгилари кўринишини чеклайдиган, уларни тўғри таниб олиш учун тўсқинлик қилувчи нарсалар ва қопламалар ўрнатишни тақиқловчи алоҳида норма қабул қилинмоқда. Бу, ҳеч шубҳасиз, автомашиналарнинг давлат рақами белгиларини тўғри аниқлаш, ушбу ҳолат юзасидан келиб чиқадиган низоларнинг олдини олишда муҳим ўрин тутади.

Хулоса қилиб айтганда, мазкур қонуннинг амалга жорий этилиши, аввало, ҳайдовчиларнинг масъулиятини ошириш, қоидабузарликлар ва турли кўнгилсиз ҳодисаларнинг олдини олиш, энг муҳими, автоматлаштирилган тизимнинг самарали ишлаши ҳамда йўл ҳаракати иштирокчиларининг йўл ҳаракати қоидаларига қатъий риоя қилишларини таъминлашга хизмат қилади. Бу, ўз навбатида, йўлтранспорт ҳодисаларининг олдини олишга, аҳолининг ҳаёти хавфсизлиги ва саломатлигини асрашга хизмат қилиши билан алоҳида эътиборга молик.

Элдор ТУЛЯКОВ,
Даврон АРИПОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари

институти

ҳукм, қарор ва ажримларнинг қонунийлиги, адолатлилиги ҳамда асослилигини таъминлашга хизмат қилмоқда

Таъминотчи агар масъулияти чекланган жамиятга олиб келинган автомашиналарда камчиликлар аниқланса, бу ҳақда раҳбариятни хабардор қилиши ва уни бартараф этиш чораларини амалга ошириши керак. Демак, Д.Аҳмадалиев мансабдор шахс ҳисобланмайди.

Судлов ҳайъати Д.Аҳмадалиевнинг шартномаларга ҳайдовчиларнинг имзоларини сохталаштириб, ҳужжатларга сохта маълумот ва ёзувлар киритиб, ҳужжатларни қалбакилаштириб, сохта ҳисобот тузгани билан боғлиқ қилмишини Жиноят кодексининг 209-моддаси 1-қисмидан 228-моддаси 1-қисмига қайта малакалашни лозим топди.

Бундан ташқари Д.Аҳмадалиевнинг масъулияти чекланган жамиятга тегишли 50 миллион 595 минг 175 сўмлик мулкни ҳужжатларни сохталаштириш йўли билан ўзлаштиргани билан боғлиқ ҳаракатлари дастлабки тергов ва биринчи босқич суди томонидан Жиноят кодексининг 167-моддаси 3-қисми "а" банди билан тўғри малакаланган. Айни чоғда, Президентимизнинг 2014 йил 31 июлдаги "Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида"ги Фармонига кўра, 2014 йил 1 сентябрдан бошлаб юртимиз ҳудудида энг кам ойлик иш ҳақи миқдори 107 минг 635 сўм қилиб белгиланган. Жиноят кодексининг 8-бўлимида жуда кўп миқдордаги зарар тушунчаси энг кам ойлик иш ҳақининг 500 баравари ва ундан ортиқ миқдорни ташкил этиши кўрсатилган.

Шунингдек, Жиноят кодексининг 13-моддасида қилмишнинг жиноийлигини бекор қиладиган, жазони енгиллаштирадиган ёки шахснинг аҳволини бошқача тарзда яхшилайдиган қонун орқага қайтиш кучига эга эканлиги қайд этилган.

Д.Аҳмадалиевнинг жиноий ҳаракатлари оқибатида масъулияти чекланган жамият манфаатларига етказилган 50 миллион 595 минг 175 сўмлик моддий зарар ҳозирги кунда жуда кўп миқдорни эмас, балки кўп миқдорни ташкил этишини судлов ҳайъати инобатга олди. Шундан келиб чиқиб, судланувчи Д.Аҳмадалиевнинг жиноий ҳаракатлари Жиноят кодексининг 167-моддаси 3-қисми "а" бандидан Жиноят кодексининг 167-моддаси 2-қисми "а" бандига қайта малакаланди.

Маълумки, Жиноят кодексининг 167-моддаси 2-қисми ва 228-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятлар ижтимоий хавфлилик даражасига кўра, ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлар туркумига киради. Олий Мажлис Сенатининг 2013 йил 12 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма бир йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида"ги қарорининг 2-бандида эса, эҳтиётсизлик орқасида жиноят содир этган шахслар, шунингдек, ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноят содир этганлиги учун биринчи марта ҳукм қилинган шахслар жазодан озод қилиниши белгиланган.

Д.Аҳмадалиев томонидан содир этилган жиноятлар мазкур амнистия акти кучга киргунга қадар содир этилган. Бу эса, унга нисбатан ушбу амнистия қарорини татбиқ этишни истисно қилувчи ҳолатлар мавжуд эмаслигини кўрсатади. Апелляция судлов ҳайъати судланувчи Д.Аҳмадалиевга нисбатан ушбу қарорнинг 2-бандини қўллашни ва уни жазодан озод қилишни лозим топди.

Апелляция инстанциясининг ажрими билан судланувчи Д.Аҳмадалиевнинг жиноий ҳаракатлари Жиноят кодексининг 167-моддаси 2-қисми "а" бандига ва 228-моддаси 1-қисмига қайта малакаланди. Судланувчига нисбатан қўлланилган қамоққа олиш эҳтиёт чораси ўзгартирилиб, у суд залидан озод қилинди.

Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, апелляция инстанцияси ҳукм, қарор ва ажримларнинг қонунийлиги, адолатлилиги ва асослилигини таъминлашда, биринчи босқич суди томонидан йўл қўйилган хато ва камчиликларни қисқа вақт ичида бартараф этишда, процесс иштирокчиларининг бузилган ҳуқуқларини тиклашда ғоятда муҳим ўрин тутмоқда.

Бурҳон БОБОЕВ,
жиноят ишлари бўйича Сирдарё вилояти судининг судьяси
Абдуҳамид ХУДОЙБЕРДИЕВ,
"Куч — адолатда" мухбири

Jinoyat va jazo

Майиз бозоридаги ўғирлик

қисқа фурсатда фош этилди

Каттақўрғон туманидаги "Мойбулоқ" деҳқон бозори ҳафтанинг пайшанба куни одамлар билан ғоятда гавжум бўлади. Айниқса, майиз растасида савдо-сотиқ қизигандан-қизийди.

Ваҳобиддин Жалилов (исм-шарифлар ўзгартирилди) "Нива" русумли шахсий автомашинасида бозорга йўл олаётиб, ўриндиқ остига пул солинган халтани жойлаштирди. У 5 миллион 500 минг сўм ва 400 АҚШ доллари миқдорида пул жойланган сумкани ҳеч ким сезмайдиган тарзда яширганига ишонч ҳосил қилгач, бамайлихотир бозор оралаб, ўзига қулай бир растани танлади. Шу тариқа оила аъзолари билан етиштирган икки қоп майизни кўзга ташланадиган қилиб, пештахтага жойлади. Тез орада сараланган маҳсулотни сотиб бўлгач, бир муддат бозор айланди ва олтмиш минг сўмга кунжут харид қилди. Сотувчи билан ҳисоб-китоб қилиш учун автомашинаси ёнига келди ва ўриндиқ остидаги сумкага қўл чўзди. Бироқ пул солинган сумка жойида йўқ эди...

Шундан сўнг Ваҳобиддин Жалилов шоша-пиша бозордан акаси Шаҳобиддинни излаб топиб, унга автомашинасидаги пулларни кимдир ўғирлаб кетганини айтди.

(Давоми тўртинчи бетда)

E'tirof

Соғлом авлод орзуси ижобати



(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Марказда даволаш ишлари илмий изланишлар билан уйғун ҳолда олиб борилмоқда. 400 ўринли клиникада болаларга ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш учун барча шарт-шароит яратилган.

Мазкур муассасада Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг замонавий илғор технологияларини татбиқ этишга алоҳида эътибор қаратилаётир. Хусусан, репродуктив саломатликни сақлаш, перинатал ёрдам, чақалоқларнинг бирламчи реанимацияси, кўкрак сути билан боқишни тарғиб этиш, болалар касалликларини интеграллашган усулда даволаш, гўдакларнинг ривожланишини мониторинг қилиш каби қатор дастурлар амалга оширилмоқда.

— Жаҳон миқёсида касалликларни интеграллашган усулда даволаш услуби кенг қўлланилмоқда, — дейди марказ директорининг ўринбосари, тиббиёт фанлари номзоди Абдуманноп Абдуқаюмов. — Бу замонавий технология камхаржлиги, беморни тез ва самарали даволашга асослангани билан аҳамиятлидир. Ана шундай лойиҳалар ёрдамида болалар ўртасида учрайдиган кўпгина касалликларнинг олдини олиш, эмлаш орқали юқумли хасталикларга қарши курашиш, чақалоқлар ўлимини кескин камайтириш, болаларнинг саломатлик кўрсаткичини яхшилаш имконияти яратилди.

Фан ва технологиялар тобора ривожланган бугунги даврда тиббиёт соҳасидаги янги ихтиролар илгарилари даволаш имкони бўлмаган кўплаб хасталикларни аниқлаш ва соғломлаштиришда қўл келмоқда. Бундай замонавий имкониятлар педиатрия соҳасига ҳам кенг татбиқ этилаётир. Олимларимиз олиб бораётган илмий лойиҳалар натижасида кўплаб юқори технологияли самарали даволаш усуллари амалиётга жорий этилди.

Заиф эшитадиган болаларни оператив усулда даволаш бўйича татбиқ этилган кохлеар имплантация — шундай усуллардан. Туғма ва орттирилган касалликлар туфайли эшитиш қобилиятидан маҳрум бўлиш боланинг саломатлиги, тўлақонли ривожланишига тўсқинлик қилади ва кўп ҳолларда ногиронликка сабаб бўлади. Тиббиётнинг жадал тараққий этиши бу муаммони бартараф этишда кенг имкониятлар яратди. Бироқ ушбу операция усули анча мураккаб бўлиб, бунинг учун юқори малакага эга шифокорлар, энг сўнгги русумдаги тиббий технологиялар, имплантантлар талаб этилади. Шу боис бу усул саноқли мамлакатларда амалга оширилмоқда.

Бундан ташқари, операция йўли билан соғломлаштирилган бола тўла ҳаётга мослашиши учун ўзига хос тиббий реабилитация босқичларидан ўтиши зарур. Кохлеар имплантация операцияси йўлга қўйилган айрим давлатларда операциядан кейинги тиббий реабилитация масаласига эътибор қаратилмаган. Мутахассисларимиз янги операция усулини жорий этишдан аввал жаҳон тиббиётида ушбу соҳадаги ютуқлар билан бир қаторда ечимини кутаётган муаммоларни ҳам чуқур ўрганди. Шу асосда шакллантирилган янги даволаш усули икки босқични — беморни операция йўли билан соғломлаштириш ва уни ҳаётга тўла мослаштириш, яъни тиббий реабилитация масаласини ҳам қамраб олгани ва муваффақиятли амалга оширилаётгани хорижлик мутахассисларда қизиқиш уйғотмоқда. Мамлакатимизда бугунги кунгача қарийб 200 болага ушбу замонавий усулда малакали тиббий ёрдам кўрсатилди.

— Қизим Мунисахон дунёга келганда оиламиздагиларнинг қувончи чексиз эди, — дейди косонсойлик Шоҳиста Мамасаидова. — Тиббий кўриклардан сўнг унинг эшитиш қобилияти заиф эканлигини билиб, қаттиқ изтиробга тушдик. Қишлоқ врачлик пунктимиз шифокорларининг тавсияси билан Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт марказига олиб келдик. Қизим 2014 йилда янги усулда операция қилинди ва эшитиш қобилияти тўла тикланди. Ҳозирги кунда шифокорлар ва сурдо педагоглар ҳамкорликда унинг нутқини ривожлантириш устида иш олиб бормоқда. Ота-она учун фарзандининг соғлом бўлиб вояга етаётганини кўришдан ортиқ бахт йўқ. Президентимизнинг узоқни кўзлаб юритаётган оқилона сиёсати туфайли қизим ҳам тенгдошлари каби соғлом бўлиб вояга етаётганидан бениҳоя мамнунман.

Айни пайтда Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт марказида тегишли давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида давлат гранти асосида ушбу янги даволаш ва тиббий реабилитация усулини янада такомиллаштириш, реабилитация босқичида педагоглар ва ота-оналар билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш бўйича инновацион лойиҳа амалга оширилмоқда.

Марказ олимлари эришаётган бундай ютуқлар хорижда ҳам кенг эътироф этилмоқда. Мамлакатимиз ҳукумати, Европа Иттифоқи ва ЮНИСЕФ ҳамкорлигида амалга оширилган "Она ва бола саломатлиги" лойиҳаси доирасида олиб борилган баҳолаш натижалари якунида юртимизда тиббиёт ва самарали перинатал парвариш усулларини татбиқ этиш, болалар касалликларини интеграллашган усулда даволаш бўйича салмоқли натижаларга эришилгани қайд этилди. Халқаро экспертларнинг фикрича, ҳомиланинг туғилиш пайтидаги асфиксияси, неонатал гипотермия, ўткир ичак касалликлари камайганлиги ҳамда дори-дармонларни рационал ишлатиш кабилар юқори муваффақият ҳисобланади.

Халқаро миқёсда ўтаётган кўпгина анжуманларда бундай ўзига хос натижалар алоҳида эътироф этилмоқда. Хусусан, 2014 йили ўтказилган мамлакатимиз педиатрларининг еттинчи съездида Ўзбекистон БМТнинг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришиш бўйича глобал жараённинг фаол иштирокчиси экани ва бу борада давлатлар олдига қўйилган вазифаларни муваффақиятли ҳаётга татбиқ этаётгани ҳамда белгиланган йўналишларда кўплаб кўрсаткичлар бўйича етакчилик қилаётгани алоҳида таъкидланди.

Эътиборлиси, тиббиётимизнинг бундай ютуқларини янада оммалаштиришга йўналтирилган илмий лойиҳалар кўлами тобора кенгаймоқда. Бугунги кунда Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт марказида ўнга яқин давлат гранти асосида педиатриянинг долзарб масалаларига бағишланган илмий изланишлар олиб борилмоқда.

Илм-фанимиз ва амалиётда эришилаётган юқори натижаларни ҳудудларда кенг оммалаштириш ҳам доимий эътиборда. Жорий йилнинг ўтган даврида ушбу йўналишда умумий амалиёт врачлари, педиатрлар, неонатологлар иштирокида ҳудудларда янги технологиялар намойишига оид юздан ортиқ маҳорат сабоқлари ташкил этилди. Уларда олимларимизнинг далилларга асосланган тиббиёт ютуқлари, тиббий стандартларни жорий этиш, профилактика, диагностика, даволашнинг замонавий усулларига оид тадқиқотлари ва янги даволаш усуллари бўйича тажриба алмашилди.

Жамиятимизда изчиллик билан амалга оширилаётган бундай ислоҳотлар ҳар томонлама соғлом авлодни шакллантириш ва вояга етказишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Хусусан, 2005 йилдан буён мамлакатимизда ривожланишида туғма нуқсони бўлган болалар 1,3 баробар камайди. Болалар ўртасида ўткир юқумли касалликларга чалиниш 34,4 фоизга, пневмонияга чалиниш 49,7 фоизга, бронхит билан хасталаниш 32,8 фоизга ва сколиоз билан касалланиш 32,7 фоизга камайди. Мамлакатимизда болаларнинг 92 фоизи ривожланиш кўрсаткичлари бўйича Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг стандартларига тўла мос келади.

Буларнинг барчаси юртимизда ҳар жиҳатдан баркамол, соғлом авлод вояга етаётгани, халқимизнинг соғлом авлод камолотини кўриш билан боғлиқ орзулари рўёбга чиқаётганининг далолатидир.

Баҳор ХИДИРОВА,
ЎзА мухбири

Jinoyat va jazo

Майиз бозоридаги ўғирлик

қисқа фурсатда фош этилди

(Давоми. Бошланиши учинчи бетда)

* * *

Мазкур ўғирлик ҳодисаси рўй берган куни қўшни қишлоқлардан бирида истиқомат қилувчи Исоқул Шовқиев ҳам ўзининг "Дамас" русумли автомашинасида бозорга бир қоп майиз олиб келганди. У майизни 750 минг сўмга сотиб, пулини автомашинаси салонига яшириб қўяди. Эҳтиёткорлик қилиб, машина эшикларини қулфлайди ва яна бозор оралаб кетади.

Орадан йигирма дақиқалар ўтгач, Исоқул автомашинаси турган томонга қараб, унинг олд эшиги очилиб қолганига кўзи тушади. Ҳақиқатан ҳам, машина эшигининг қулфини кимдир бузган ва пул солинган елим халтани ўғирлаб кетганди.

Кутилмаган воқеадан гангиб қолган Исоқул бу ишни ким қилган бўлиши мумкин, дея узоқ бош қотиради. Бир пайт у бозор ичида қандайдир нотаниш кимсанинг каловланиб, ниманидир яширишга уринаётганига кўзи тушади-ю, беихтиёр унинг ортидан юради. Нотаниш кимса эса, шоша-пиша ўзини расталар орасига урди. Исоқул ҳам уни кўздан қочирмай изма-из бораверди ва бир чоғ "тўхта!" дея қичқиради. Ҳалиги кимса бирдан талвасага тушиб, бозор яқинидаги тўйхона томонга қочади. Гумони тўғри чиққанига ишонч ҳосил қилган Исоқул "ушла, ўғрини" дея ҳайқиради.

Тўйхона яқинига етганда жонҳолатда қочаётган ҳалиги кимсанинг қаршисидан чиққан бир киши унинг йўлини тўсади. Шунда у қўлидаги пул солинган елим халтани унинг юзи қарата улоқтиради. Халта ичидаги пуллар ҳар тарафга сочилиб кетади. Одамлар териб олган пулни Исоқулга беришганида, 750 минг сўм миқдоридаги пулдан 658 минг сўм қолган эди.

Қисқаси, ўғрини қўлга олишади. Жабрланувчи Ваҳобиддин Жалилов ички ишлар бўлимига ариза билан мурожаат қилади.

* * *

Майиз бозорида ўғирлик содир этган Дўстали Қўлдошев Фарғона вилоятининг Данғара туманидан. Муқаддам тўрт марта ўғирлик жиноятини содир этиб, суднинг қора курсисига ўтирган. Хавфли рецидивист тамғасини олган бу кимса қилмишларига яраша қонуний жазога қайта-қайта тортилган бўлса-да, бундан ўзига тегишли хулоса чиқариб олмаган.

Гап шундаки, Дўстали ота-онаси билан икки-уч кунга Навоий шаҳрига келган ва бир уйда вақтинча ижарада турганди. Тунда у машинага ёқилғи қуйдириш баҳонасида уйдан чиқиб, "Мойбулоқ" деҳқон бозорига йўл олади. Сўраб-суриштириб бозорга етиб келгач, юқорида баён этилган ўғирлик жиноятига қўл урганди.

Судда судланувчи Д.Қўлдошев айбига тўлиқ иқрорлик билдирди. У жабрланувчи В.Жалиловнинг "Нива" русумли автомашинаси қулфланмасдан, очиқ турганидан ғараз ниятини амалга оширишда фойдаланган. Кейин эса, ўғирланган пулларни ўзига тегишли "Ласетти" русумли автомашинанинг орқа ўриндиғидаги махсус жойга яшириб қўяди. Иккинчи жабрланувчи И.Шовқиевнинг "Дамас" русумли автомашинасининг эшигини эса, сим бўлаги билан очади...

Буёғини сўрасангиз, судланувчи Д.Қўлдошев бошқарувидаги "Ласетти" русумли автомашина аслида Андижон вилоятининг Избоскан туманида яшовчи Нарзулла Тўраевга тегишли экан. 2013 йилнинг 10 февралида Н.Тўраев ўзининг ушбу автомашинасини келишув асосида Дўстали Қўлдошевга 45 миллион сўмга сотган. Пулнинг 20 миллион сўми Н.Тўраевга берилиб, Д.Қўлдошев ва унинг қариндошлари машина эгасига яна 25 миллион сўм тўлаши лозим эди.

Суд ҳайъати дастлабки тергов идораси томонидан судланувчи Д.Қўлдошевнинг жиноий ҳаракати Жиноят кодексининг 169-моддаси 3-қисми "а" банди билан тўғри малакаланган, деб топди ва судланувчига нисбатан олти йил олти ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлади. Жиноят иши бўйича етказилган зарарлар тергов давомида тўлиқ қопланганлиги инобатга олинди. Шунингдек, "Ласетти" русумли автомашина жиноят қуроли деб топилиб, давлат фойдасига мусодара қилинди. Фуқаровий даъвогар Н.Тўраевга судланувчи Д.Қўлдошев томонидан етказилган 25 миллион сўмлик моддий зарар бўйича фуқаролик тартибида судга мурожаат этиш ҳуқуқи тушунтирилди.

Халқимизда "Тинмасанг, тинасан" деган ниҳоятда топиб айтилган нақл бор. Бу ўзгалар ҳисобига кун кечиришни одат қилган Д.Қўлдошевга ҳам айнан тааллуқли. Чунки муқаддам содир этган қатор жиноий қилмишларидан ва қонунларимизнинг унга нисбатан кўрсатган бағрикенглигидан тўғри хулоса чиқариб олмаган Дўстали Қўлдошев энди тайинланган жазони қаттиқ тартибли колонияда ўтаб, кўзи мошдек очилса, ажабмас.

Жаҳонгир АРСЛАНОВ,
жиноят ишлари бўйича Пайариқ тумани судининг раиси
Абдуҳамид ХУДОЙБЕРДИЕВ,
"Куч — адолатда" мухбири

G'aroyib olam

Албатта, табиатда ҳар қайси жонзотнинг ўз ўрни бор. Бироқ улар орасида айримлари шундай ғаройиб хусусиятларга эгаки, буни кўриб, киши ҳайратга тушмай қолмайди.

Биз билган ва билмаган дунё

НОЁБ ҚОБИЛИЯТЛИ ЖОНЗОТЛАР

Хусусан, ўргимчак уясининг тузилишини кузатиб, беихтиёр бу жониворларнинг моҳирлигига қойил қоламиз. Аслида бу ғаройиб мавжудотлар турига қараб барча иқлим ҳудудларида — ҳавода, сувда, ерда ва тупроқда яшайди. Уларнинг энг йириги 8 сантиметрга етса, бошқалари эса, бағоят кичиклигидан базўр кўзга ташланади. Қизиғи, бу жонзотларнинг айрим турлари йил бўйи ҳам сув ичмасдан ҳаёт кечириши мумкин. Айтиш мумкинки, ўргимчакнинг бий деб аталадиган бир тури ҳатто қушлар билан озиқланади ва 15 йилга қадар ҳаёт кечиради.

Олимларнинг илмий хулосаларига таяниб айтиш мумкинки, ўргимчаклар уяси учун ишлатадиган нозик толаларини аслида ошқозон безларидан ажратиб чиқарар экан. Ушбу толалар ошқозон ичида жойлашган тўқима аъзоларидаги кичик тешикчалардан суюқлик тарзида чиқади ва ҳавода бир зумда қаттиқлашиб, пишиқ арқонга айланади. Ҳайратланарлиси, мазкур толаларни, ўз ўрнида, юмшоқ, момиқ, қаттиқ ва дағал каби бир неча турларга бўлиш мумкин. Жумладан, ўлжа тутишга асқотадигани — ёпишқоқ, устунларни кўтариб турадигани — қаттиқ, тухум қўйиш учун мўлжалланган пилла турлари ва умуман, барча толалардан ўргимчаклар ўз ўрнида, ўта маҳорат билан фойдаланиши мутахассисларни ҳайрон қолдирмоқда.

Масалан, ғилдираксимон ўргимчак уясидан фақат ўлжа тутишда фойдаланади: аввалига пойдевор ташлайди, яъни тўртбурчак шаклидаги ташқи оғир толаларни тортади, кейин эса, 3-4 та бурама тўрларни тутиб турадиган ғилдирак симлари, энг охирида, очиқ бўшлиқни қалин ўрайдиган ёпишқоқ бурама тўрларни шундай аниқлик ва пухталик билан тўқийдики, киши ақлини лол қилади.

Ўргимчак уяларининг яна бир тури барг уя деб аталади. Бундай уялар гумбазсимон бўлиб, тепасида шиша оғзига ўхшаган тешиги бўлади. Бу, ўз навбатида, жониворни ўлжасидан пана қилиб туради.

Бўри ўргимчак деб номланувчи турлари эса, ер тагида йўл қазиб, уни толалар билан ўзаро боғлаб, ғаройиб истеҳком яратади. Европадаги сув ўргимчаклари қўнғироқсимон уяларини айнан сув тагида қуради ва уни ташқаридан ошқозонида олиб келган ҳаво билан тўлдиради. Сўнг тухум қўйиб, болаларини то мустақил уя қуриш даражасига етгунча шу ерда боқади. Айтганча, ҳамма ўргимчаклар ҳам уя тўқийвермайди.

Кези келганда шуни айтиш жоизки, кучли шамоллар ушбу жонзотларнинг турли ҳудудларга қийинчиликсиз тарқалишига сабаб бўлади. Масалан, жорий йилнинг май ойида Австралиянинг Гоулберн шаҳрига ўргимчаклар худди ёмғирдай ёғилиб, бутун шаҳар аҳолисининг тинчини бузди. Негаки, одамлар устига ёмғир томчилари каби ўргимчаклар ёға бошлади-да.

Маълум бўлишича, Австралияда май ойида ёғингарчилик ҳаддан зиёд кўп бўлади. Бунинг оқибатида миллионлаб кичкина ўргимчаклар зах ва намиққан жойлардан қочиб, уйларнинг томини, ҳовли ва кўчаларни, умуман, кумушранг инлари билан ҳаммаёқни чирмаб олади.

"Ҳар йили май ва август ойларида эндигина туғилган ўргимчаклар иложи борича дов-дарахтлар тепасига юқорироқ кўтарилиб, ўз инларини парашютга монанд тарзда ёйишади. Натижада шамол уларни учириб узоқ масофаларга олиб кетади. Шунинг учун ўргимчакларни дунёнинг исталган жойидан топиш мумкин", — деди арахнолог (ўргимчакларни ўрганиш билан шуғулланувчи мутахассис) олим Кит Бастерфилд.

Айтиш керакки, ўргимчакларнинг заҳарли турлари ҳам мавжуд. Масалан, Бразилия кўчманчи ўргимчаги жаҳондаги энг заҳарли ўргимчак сифатида Гиннеснинг рекордлар китобига киритилган. Унинг 0,006 миллиграмм заҳари ҳар қандай жонзотни ўлдириш учун етарлидир.

Шунингдек, Бразилия чалғитувчи ўргимчаги ҳам ана шундай хусусиятга эга. Уни банан ўргимчаги деб ҳам аташади. Бу ўргимчакнинг чақиши одам лимфа тизимига ўша заҳоти кучли таъсир кўрсатади. У бошқа ўргимчаклар каби тўр тўқимайди, балки дуч келган жой — кийимкечаклар, пойабзал, автомобилларга яшириниб олади. Мазкур ўргимчаклар асосан Жанубий ва Марказий Америкада учрайди.

Хориж материаллари асосида Бобур ЗОҲИДЖОНОВ тайёрлади.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти ҳамда туман, шаҳар судлари жамоаси жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти судининг судьяси Дусманов Санджар Абдужалоловичга падари бузруквори

АБДУЖАЛОЛ отанинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти ҳамда туман, шаҳар судлари жамоаси жиноят ишлари бўйича Оҳангарон туман судининг судьяси Пирназаров Акмал Исроиловичга падари бузруквори

ИСРОИЛ отанинг

вафот этгани муносабати билан таъзия билдиради.

Куч—адолатда

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Олий суди

Бош муҳаррир:
Шодикул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.

ISSN 2181-6123

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Шоюнус ГАЗИЕВ
Светлана АРТИКОВА
Кўчкор ТОҒАЕВ
Зарифжон МИРЗАКУЛОВ
Замира ЭСОНОВА
Холмўмин ЁДГОРОВ
Ғайрат ХИДОЯТОВ
Азиз МИРЗАЕВ
Бобомурод РАЙИМОВ

Навбатчи муҳаррир:
Сардор ҲАМРОЕВ
Саҳифаловчи:
Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Манзилимиз: Тошкент шаҳри, А. Қодирий кўчаси, 1-уй
Тел.: (8 371) 239-02-55, 239-02-54
E-mail: kuch-adolatda@oliysud.uz
Нашр индекси: якка тартибда - 574, ташкилотлар учун - 575.
Буюртма: Г-822. Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми: 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда. Адади: 8234.
1 2 3 4 5 Топшириш вақти: 20⁰⁰ Топширилди: 22³⁰